Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 15 октябрь, пайшанба • № 123 (23.360).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ҳуррият ҳақиқатлари

Нима қилмоқ керак?

ёки матбуотимизнинг бугунги аҳволига яна бир назар

Йўлсизлик вазиятларида шундай кескин савол пайдо бўлади. У аниқ жавоб талаб қилади.

Хўш, бугун саволни шу даражада кескин қўйишга эҳтиёж борми? Бор. Шиддаткор давримиз муттасил тараққиётда. Талаб-эҳтиёжлари ҳар куни янгиланмоқда. Бугунги битта талабга жавоб берилмаса, эртага иккита, индинга тўртта талабга жавоб беришингизга тўғри келади. Шунга мажбурсиз. Акс ҳолда, тараққиётнинг ўзи четга улоқтириб ташлайди.

Не тонгки, матбуотимиз олдига аниқ талаблар қўйилган сайин, у шу талаблардан тобора чекинаётганга ўхшайди. Не тонгки, равшан мезонлар ошкора қўйилган сайин у шу мезонлар ўзанидан тобора четга чиқаётгандек туюлади. Нега шундай?

Матбуот — қудратли дарё. У бепоён денгизни тўйинтириб, керак бўлса, унга пўртаналар солиб туради. Унинг ўзани Асосий Қонунимиз, парламентимиз қабул қилган матбуот тўғрисидаги қонунлар... Қонунлар масъулият, мажбурият бўлиш билан бирга имтиёз ҳамдир. Уларни билмаган матбуотчи кундуз куни катта йўлда адашган ношуд йўловчига ўхшайди. Нега бугун матбуот ҳам, матбуотчи ҳам бутун халқимиз олдида шундай таассурот қолдирмоқда?

Мамлакат буғдойзорларида бошоқлар йилдан-йилга бўлиқроқ пишмоқда. — Янгича меҳнатдан.

Мамлакат пахтазорларида ҳосил йилдан-йилга эртароқ етилмоқда. — Услубий янгиликлар туфайли.

Мамлакат қурилишларида мангу туражак давлатимизнинг метин пойдевори мустаҳкам қўйилмоқда. — Меъморий кашфиётлар сабабли.

Мамлакат спортчилари энг нуфузли халқаро мусобақалар муҳитини Байроғимиз жамоли билан безамоқдалар. — Ватанпарварлик туйғусидан.

Мустақиллик тенгдоши бўлган ўғил-қизларимизнинг ўқишёзишларида ўзгариш. Дарсликларимиз, муаллимларимиз, мактабларимизда ҳар кун бир янгилик. Дунёга чиқиб, дунё кўриб келаётган ёшларимизнинг биз «яхши» ва «зўр» баҳолаб чиқараётган газеталаримизни варақлаб кўришга ҳафсалалари чидамайди. Исроилга бориб келган фермерлар сигирларни янгича усулда соғиб, аввалгидан кўп сут олмоқдалар. Голландияга бориб келган сабзавоткорлар янгидан-янги навларни яратмоқдалар.

Ахир, дунё муттасил ўзгараяпти. Дунё сиёсатида ҳар куни ўзгариш. Ўзбекистонимизнинг ҳам ҳар бир кунида янгиланиш. Мустабид тузум занжирларининг товушлари тобора ортда қолмоқда. Йўлимиз, манзилимиз янги. Жамият ҳам она-табиатга монанд тинимсиз эврилмоқда.

Шундай улкан миқёсдаги янгиланишлар, ўзгаришлар оламида матбуотимизнинг қиёфаси, мавқеи қандай? Нега бугун энг кўп танқид қилинадиган, юмшоқроқ қилиб айтганда, истак билдириладиган соҳа матбуот бўлиб қолди? Чунки, матбуотчилар ўзларидан нима талаб қилинаётганини, матбуот олдига қандай талаблар қўйилаётганини ҳалигача англаб етганлари йўқ. Матбуотчининг тафаккури ўзгармаса, матбуот ҳам ўзгармайди-да. Ҳар куни эрталаб газеталаримизни қўздан кечирар эканман, уларнинг бир қолипдан чиққан ғиштдек бир-бирига ўхшашлигидан изтироб чекаман. Ҳамкасбларим кечирсинлару газеталаримизнинг аксарияти ибтидоий даражада. Эски услублар, эски мавзулар, палапартиш ишлатилган сўзлар, унут замонлардан қолган андозалар... Ҳатто янги мавзулар, ҳаётимизнинг янги қирралари ҳам эскича услубда, эскича йўсинда ёритилади. Ҳамма газеталарни битта муҳаррир, битта масъул котиб ва яна уч-тўрт ходим чиқараётгандек... Газеталарнинг қиёфаси бир хил.

Матбуотнинг энг биринчи белгиси — тил. Нега газеталарда оғирли, оҳангли сўзларни кам ўқиймиз? Ҳар бир замон тилининг ўз хусусиятлари бўлади. Истиқлолимиз даврида ўзбек тили қандай жарангламоқда? Унинг жарангини жаҳон эшитаяптими? Мустақиллик ҳаётимизга янги-янги фазилатларни бахш этди. Шу сифатлар газеталаримиз тилида акс этмоқдами?

Ҳаётга янгича нигоҳ!.. Журналистикаҳинг ўзи шу. Минг афсуски, бугунги журналистларимиз оламшумул янгиликларга ҳам эскича нигоҳ билан қараш иллатидан қутулолмаяптилар. Бу нима — саводсизликми? Ўз устида ишламасликми? Янгиликлардан хабарсизликми? Ёки ҳаётдан ортда қолишми? Замон талабини англамасликми?

Журналистларимиз оёқ-қўллардаги занжиру чегараю, тақиқлардан халос бўлдилар, энди тафаккурдаги «занжир»ларни қачон итқитиб ташлайдилар?!

Ташаббускор, янгиликка ўч, елиб-югурадиган, изланувчан, (зеро, журналистлик ҳаёти шундан иборат) журналистлар қани?

Раҳбарият ёки маълум бошлиқлар топширган вазифаларни бажариш билангина иш битмайди. Берсанг ейман, урсанг ўламан деган ақида аллақачон эскирди. Журналист фақат ижрочи эмас! Ташаббускор бўлмоғи керак!

Қаламкаш дўстларим гапларимни оғир олишмасину бугунги газеталаримиз тўғрисидаги аниқ эътирозларимни ошкора айтай:

1. Газеталаримизнинг қиёфаси ҳамон бир-бирига ўхшаш.

2. Бирор газета яхши бир мавзу топса, уни бошқа газеталар ҳам «тала-тала» қилади.

3. Рукнлар газетадан газетага кўчиб юради. Қайси рукн қай газетаники эканлиги чалкашиб кетади.

4. Бирор газета бирор оригинал шакл топса, дарҳол бошқалари томонидан «забт этилади».

5. Газеталарнинг масъул котиблари бир-биридан кўчиради.

Тўғрисини айттанда, саноқни ҳали кўп чўзиш мумкин эди. Аммо... Аммо рақобат ҳам, мусобақа ҳам ҳалол, муайян қоида ва тартиблар доирасида бўлсагина наф келтиради. Акс ҳолда... Акс ҳолда, машҳур масалчининг асарида тасвирланган воқеадаги каби ҳамма ҳар ёққа тортгани билан арава бир жойда тураверади.

Гоҳ иқтисодий аҳволни, гоҳ почта хизмати яхши эмаслигини, гоҳ яна бошқа сабабларни рўкач қилишади-ю, лекин мен энг биринчи навбатда халқимизнинг дилидагини топиб айтолмаётганимиз учун газеталаримиз ўқувчилари тобора озаймоқда деб ҳисоблайман. Негаки, газеталаримизда шу куннинг энг долзарб масалалари, мамлакат миқёсидаги муаммолар хусусида чуқур, кенг қамровли мулоҳаза, мушоҳада етишмайди. Қонунлар, қарорларнинг қанотли шарҳлари оз. Ҳукумат миқёсида олиб борилаётган ишлар мунтазам ёритилмайди. Муаммоларга республика миқёсидан эмас, тор, маҳаллий доирадан қаралади. Асосли танқид, тафсилий таҳлил, «жони бор» таклиф камдан-кам кўзга ташланади.

Газеталар мавзуларида шундай камчиликларни кўраман:

1. Муаммони факт ва рақамларни чоғиштириш орқали таҳлил этмаслик.

2. Янгиликни «тани совимасдан» ўқувчига узатиш.

3. Ўзбекистон иқтисодиётидаги янгиликларни жаҳон иқтисодиёти билан қиёслаш.

4. Фотосуратлардан етарлича фойдалана олмаслик.

5. Ҳар бир мақолада давлат миқёси, мамлакат миқёси етишмаслиги.

6. Дунёнинг бугунги снёсатидан, бугунги халқаро ҳаётдан ўқувчини бугун бохабар қилиш.

7. Жаҳон сиёсати, иқтисоди, маданияти, санъатини Ўзбекистоннинг бугунги аҳволати билан уйғунликда кўрсатиш.

8. Ҳукумат вакиллари, давлат идораларининг раҳбарларини доимий равишда матбуотга жалб этиш ва уларнинг фикрларини халққа етказиш.

Камчиликлар кўп. Лекин нега уларни тузатолмаяпмиз? Тузатиш истагимиз борми ўзи?

Матбуотимиз бугунги кунда фотожурналистларга, махсус тайёргарликдан ўтган компьютер операторлари, саҳифаловчи ва дизайнерларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Бугунги замонавий оммавий ахборот нашрларини буларнинг меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ривожланган давлатларда газета ишининг ҳаттоки 70-80 фоизи шундай мутахассисларнинг зиммасига тушмоқда. Боиси, бугунги газетхонда нафақат ўқиш, балки кўриш орқали ҳам кўпроқ ахборот олиш эҳтиёжи ўсмоқда. Бу соҳанинг энг оқсоқ томони кадрларнинг етишмаслигидир. Яқинда хорижлик ҳамкасбларимиз баъзи нашрларни қўздан кечириб, компьютернинг мингдан бир имкониятидангина фойдаланаётганлигимизни таъкидлашди.

Таҳририятлар ўз кучи билан фотоқоғозлар, кимёвий моддалар топмоқда. Лекин уларнинг топилмаслиги ҳам бир муаммо. Умуман, газетани босиш учун қоғоз топишнинг «бош оғриқ»лигини қўяверинг. Ижодий ишни юргизишдан ташқари иқтисодий, молиявий масалалар ҳам бугунги кунда таҳририятларнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Газета ишининг бу йўналишини тушунадиган мутахассисларни топиш, тарбиялаш осон эмас. Чидам ва вақт талаб қилади.

Хўш, шундай вазиятда нима қилмоқ керак?

Энг аввало журналист кадрлар тайёрлаш масаласини қайта кўриб чиқиш зарур. ТошДУ журналистика факультетини битириб ишга келаётганларни кўриб «ҳайратга тушаман». Уларнинг ўз ишларига, умуман журналистикага қизиқмасликлари тезда аён бўлиб қолади. Ҳали талабалик даврида матбуотда ишлаб юрганлар ҳам ўқишни битириб, бошқа соҳага ўтиб кетмоқда. Чамаси, ҳозир талабаларни танлаш мезони нотўғри ёки беш йиллик ўқиш давомида уларнинг қизиқишлари сўниб қолмоқда. Журналист кадрлар тайёрлаш тартибини мутлақо бошқатдан кўриб чиқиш зарур.

Журналист талабалар чет элларда ўқитилмоқда. Ўқишни тугаттач, уларнинг ўзбек матбуотига қайтишларига кафолат борми? Хорижий оммавий ахборот воситаларига ишга ўтиб кетаётган ёш журналистларимиз сони кун сайин кўпаймоқда-ку. Ўзбек матбуотининг аҳволи яхшилигидан шундай бўлмаётгандир, ахир?! Нега ўзбек газеталари АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия каби катта давлатларга ҳам ўз мухбирларини жўната олмаяпти? Биз қачон дунё янгиликларини ўз мухбирларимиз орқали олиш даражасига кўтариламиз? Узатилаётган ахборотда албатта воситачининг мафкураси зуҳур этади.

Журналист кадрлар тайёрлаш масаласи аллақачон ҳукумат даражасида қайта кўриб чиқишга муҳтож бўлиб қолгани сир эмас. Агар фақат бугунги факультет тайёрлаган «қўлбола» журналистлар билан матбуотни кўтарамиз деб ўйласак, қаттиқ янглишамиз.

Бугунги кунда газеталаримизни қийнаётган яна бир муаммо — бу иқтисодий беқарорликдир. Нашрларимизнинг иқтисодий аҳволи яхши эмас. Кўплаб таҳририятларда ходимлар ҳатто ўз вақтида маошларини ололмайдилар. Қоғоз, босмахона, почта хизматлари, ижара ҳақи каби тўловлар газеталарнинг «қўзини» очирмайди. Маълумки, иқтисодий мустақил бўлмай туриб, бошқа жиҳатлардан мустақил бўлиш мумкин эмас! Шу сабабли газеталаримизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамловчи восита ва шакллар топилиши зарур. МАТБУОТ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ҲЕЧ КИМГА ТОБЕ, ҚАРАМ БЎЛМАСАГИНА ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ МУМКИН!!! Куни кеча газета-журналлар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғин бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Президент Девони Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимов иштирок этган мазкур йиғинда матбуотимиз муаммолари ва журналистлар олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Йиғинда билдирилган мулоҳазалар шахсан менинг ва умуман барча матбуотчиларнинг фикр-ўйларига, орзу-армонларига уйғун эди.

Ўзимнинг озгина тажрибамдан биламанки, газета-журналин бошқариш осон иш эмас. Раҳбар замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳам ижодкор, ҳам иқтисодчи, ҳам ташкилотчилик каби фазилатларга эга бўлмоғи лозим.

— Ўзбек матбуоти жаҳон матбуоти даражасига кўтарилиши;

— жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши;

— Президент ва ҳукумат матбуот олдига қўяётган вазифаларни уддалаши;

— халқ эътирофига сазовор бўлиши учун

Матбуот тўғрисида бир неча Қонунлар бўла туриб,

Эркин Матбуот, Эркин Фикр, Эркин Минбар, Эркин Сўз имконияти бўла туриб

хўш, яна нима қилмоқ керак?

Шахсий мулоҳазаларимда айрим бир ёқлама фикрлар бўлиши мумкинлигини инкор этмаган ҳолда айтаман:

Журналист ҳар куни ўз тафаккурини янгилаб, чархлаб бормоғи лозим!!!

Азим СУЮН

Тўрақўрғон туманидаги трактор-таъмирлаш «Оҳангар» акционерлик жамияти боғбони Ўғилой Ўринова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Бу дунёнинг ишлари

Пиёз фақат уй бекалари кўзини ёшлантирадими?

Ҳиндистонда кундалик тайёрланадиган ҳар бир овқатга ишлатиладиган пиёз кризиси рўй бериши арафасида турибди. Бу экиндан олинадиган ҳосилдорликнинг барбод бўлганлигидан фойдаланган савдо-сотиқ корчалонлари нарх-навони саккиз баробарига оширди. Шу нархга топиш ҳам анқонинг уруғи бўлиб қолди. Ҳар бир кишига нормада пиёз бериш белгилаб қўйилган.

«Мамлакатда атом бомбасини ишлаб чиқарилганлиги билан ном қозонган ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини режалаштиришдаги ушбу бефарқлигини қандай изоҳлаш мумкин!», деб ёзади энг нуфузли газеталардан бири ўз саҳифаларида. Ўтган йили пиёздан олинган мўл ҳосил туфайли унинг нархи тушиб кетиб, деҳқонлар ҳукуматдан ўз сарф-харажатларини тўлдириш учун маблағ талаб этишган эди. Индира Ганди ўз вақтида пиёзнинг нархини ошириб юборгани учун масъул лавозимдаги кишиларни истеъфога чиқарган эди.

Хуллас, пиёз фақат уй бекаларнинггина кўзини ёшлантирмас экан.

Толибонлар ҳужуми фаоллашмоқда

Мамлакатнинг шимолий-шарқий вилоятларида толибонларнинг ҳарбий ҳаракатлари фаоллашмоқда. Саланг тунелининг шимолий қисмидан беш километр узоқликдаги масофада толиблар ўз мавқеларини мустаҳамлаб олди. Ҳозирги кунда толиблар билан қарама-қарши жанглар олиб бораётган ягона ҳарбий қўмондон Шайх Маъсуд аскарлари тунелга кириш йўлларини миналаштирдилар. Толиблар мамлакатнинг Тожикистон чегаралари яқинидаги Каписа ва Тахар вилоятларида ҳам қарши кучлар қўшинларини таъқиб этишда давом этмоқда.

Бекат номи ўзгарди

Тошкент метросининг энг сергавжум «М.Горький» бекати номи ўзгарди. Ўтган кундан бошлаб бекат — «Буюк Ипак йўли» деб атала бошлади. Истиқлол шарофати ила «буюк пролетар ёзувчиси»нинг ўрнига тарихий ном қўйилгани қувончли ҳол. Метронинг «Чилонзор йўли» қатновидаги сўнгги бекатдан пойтахт шаҳримизнинг «Буюк Ипак йўли»га чиқилади. Катта кўча ва сўнгги бекат номи бир хилда бўлгани ҳам йўловчиларга анча қулайлик туғдириши шубҳасиздир.

Тўлқин УСМОН

Хўжалик раҳбари — мактаб бош директори

Дўстлик туманидаги хўжаликларнинг раҳбарлари бундай буён шу ҳудудлардаги мактабларнинг жамоатчилик асосида бош директорлари ҳам бўладилар. Бу қарорни қабул қилишдан мақсад, соғлом авлодни камол топтириш, таълим-тарбия ишларини яхшилашдир. Энди мактабларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши уларнинг бош директорлари бўлган хўжалик раҳбарларидан ҳам масъулият талаб этади.

Иброҳимжон УЗОҚОВ

Шу куннинг долзарб вазифаси

Матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказайлик!

Мамлакатимизда жамиятни демократиялаштириш жараёнида муҳим ўрин эгаллаган газета ва журналларга 1999 йил учун обуна мавсуми кенг қулоч ёзмоқда.

Шу муносабат билан партиямиз Марказий Кенгашининг Котибияти **«Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1999 йил учун обунани ташкил этиш вазифалари тўғрисида»** қарор қабул қилди. Унда таъкидланишича, партиянинг «Мулоқот» журнали ва «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Халқ иродаси» (Наманган), «Регистон» (Самарқанд), «Қарақалпағистан ҳаўазы», «Истиқбол сари» (Жиззах) ҳамда «Халқ йўли» (Сурхондарё) газеталари Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари ҳамда амалий фаолияти, мамлакатимиз ҳаёти, республика Президенти И.А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, туб ўзгаришларнинг боришини изчил ёритмоқдалар.

Партиямиз тузилмаларининг ҳаёти ва фаолларининг ислоҳотлар йўлидаги ибратли ишлари ҳақида мунтазам ҳикоя қилиш билан аҳоли ўртасида обрўй қозонаётган нашрларимизнинг аҳамияти, дейилади қарорда, бундан кейин янада ошади. Чунки матбуотсиз фуқаролар билан партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни, унинг дастурий ғояларимизни кенгроқ тарқатишни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш Котибияти ХДП маҳаллий ташкилотларининг партия нашрларига 1999 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказишга доир асосий вазифаларини ҳамда ушбу масала юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилади. Чунончи, обунани юксак даражада ташкиллаштиришни таъминлаш мақсадида Марказий Кенгашнинг махсус Ишчи гуруҳи тузилди ва барча партия кенгашлари ҳамда ХДП матбуот нашрлари таҳририятларига шундай гуруҳларни тузиб, обуна жараёнини тезкорлик билан бошқариб бориш топширилди.

Котибият, шунингдек, обунани ўтказишда энг юқори кўрсаткичларга эришган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашларини рағбатлантириш лозимлигини мақсадга мувофиқ, деб топди ҳамда ғолибларни аниқлаш низоми ва мукофотлаш шартларини тасдиқлади.

Мазкур низомга кўра, **обунани уюштиришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашалари учун қуйидаги ўринлар ва мукофотлар таъсис этилди:**

битта биринчи ўрин. Унга муяссар бўлган партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи ва 50000 (эллик минг) сўм;

битта иккинчи ўрин. Унга эришган партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи ва 30000 (ўттиз минг) сўм;

битта учинчи ўрин. Уни эгаллаган партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи ва 20000 (йигирма минг) сўм пул билан тақдирланадилар.

Обуна мавсумини ўтказишда **энг юксак натижаларга эришган шаҳар ва туман партия кенгашлари учун:**

Иккита биринчи ўрин, иккита иккинчи ўрин, иккита учинчи ўрин таъсис этилди ва уларни эгаллаганларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари билан рағбатлантириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, партия нашрларига **обунани намунали ташкил этишга самарали ҳисса қўшган фаолларни ўз ҳисобларидан рағбатлантиришни йўлга қўйиш «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларига тавсия этилди.**

Ўзбекистон ХДПнинг газеталари ва журналига 1999 йил учун обунани юксак уюшқоқлик билан ўтказиш барча партия кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг ҳамда мазкур матбуот нашрлари таҳририятларининг жиддий сиёсий бурчи, масъулиятли вазифаси эканлиги қарорда алоҳида таъкидланди.

* * *

Ҳурматли партиядошлар! Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажарилишини таъминлаб, партия журнали ва газеталарига 1999 йил учун обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга эришайлик. Бу билан матбуот нашрларимизни фаол қўллаб-қувватлаган, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ишига муҳим ҳисса қўшган бўламиз.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Обуна 99

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарини ўқиб борасизми?

— Келгуси йил учун обуна бўлиш ниятингиз борми? Республикамиз адвокатларининг ҳам обуна бўлишларини хоҳлармидингиз?

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси Президенти Файзулло АШУРОВ:

— «Ўзбекистон овози» газетасини доимо кўздан кечириб бораман. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар кўлами кундан-кунга кенгайиб бораётгандай, назаримда. Айниқса, ҳуқуқий мавзудаги таҳлилий мақолалар бизнинг эътиборимизни тортади. Бу, ўз навбатида, муаммолар ечимини топиш йўлида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман, матбуотнинг асосий вазифаларидан бири халқда долзарб мавзулар бўйича мулоҳаза уйғотиш, шунингдек, эркин минбар вазифасини ўташдан иборат. Менимча, бу вазифани севимли газетамиз астойдил адо этиб келмоқда.

Агар ўринли бўлса бир оғиз таклифимиз шуки, ҳуқуқ соҳасида бугун ечимини кутаётган муаммолар етилиб турганлигини ҳисобга олган ҳолда, газета саҳифаларидан унга кўпроқ жой ажратилса. Бу фуқароларимиз учун ҳам айни муддао бўлар эди.

Келгуси йил учун обуна бўлишимиз эса табиий. Адвокатлар ассоциацияси Президенти сифатида республикамиздаги барча адвокатларни ҳам «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишларини тавсия қиламан. Буям бўлса фақат ўзларининг фойдасига.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози» — якка обуначилар учун — 220; ташкилотлар учун — 221

«Голос Узбекистана» — якка обуначилар учун — 121; ташкилотлар учун — 122

«Осиё бозори» — якка обуначилар учун — 174; ташкилотлар учун — 175

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

Қомусчилар туҳфаси

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти меҳнат жамоаси бу улкан тантанага муносиб туҳфа тайёрлади. Нашриёт Имом ал-Бухорийнинг асосий асари — «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ — «Ишонарли тўплам» асосида мўъжаз уч китобдан иборат «сайланма ҳадислар»ни нашр этди.

«Имом ал-Бухорий — муҳаддислар султони» китоби ҳам нашриёт жамоасининг буюк ватандошимиз таваллудига ажойиб совғаси бўлди. Ушбу рисола Самарқанд вилоятининг Челак туманидаги машҳур



Имом ал-Бухорий жомеъ масжиди имом хатиби Усмонхон ҳожи Темурхон ўғли ҳамда шоир ва таржимон Бахтиёр Набихон ўғли томонидан нашрга тайёрланган.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

Баҳона эмас, имконият излаётганлар

«Тошшаҳарйўловчитранс»га қарашли 3-Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус депоси ташкил топганига 30 йилдан ошди. Ўтган йиллар ичида депога қарашли трамвай ва троллейбуслар миллионлаб пойтахт аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилди.

— Шу соҳада ишлай бошлаганимга 30 йилдан ошди, — дейди депо раҳбари Исроил Иброҳимов. — Жамоамизда 1300 га яқин ишчи меҳнат қилади. Ўтган йиллар давомида меҳнатнинг оғирини ҳам, қийинчиликларини ҳам, қолаверса, ширин нонини ҳам кўрдик. Аввало, ҳар бир соҳа ўз жонкуярларини талаб қилади. Касбига меҳр қўйган инсон ҳеч кам бўлмаган. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрганлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолаверади. Ишонасизми, баъзи раҳбарларнинг иш тажрибаларини кўриб баданимдан совуқ тер чиқиб кетади. Корхона қарзга ботган, маош берилмаган... Замон эса биздан оқилона, тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Ўзи бўлар-да... деган раҳбар хато қилади. Корхона инқирозга учраши тайин. Бир сўз айтганда, баҳона излаш касбга бўлган совуққонликнинг бош бўғинидир. Ички имкониятлардан самарали фойдалана билмаслик турли салбий оқибатларга олиб келади.

Бизга 113 та троллейбус, 127 та трамвай қарашли бўлиб, имкон

Ислоҳот ва масъулият

қадар халқимизга намунали хизмат кўрсатяпти. Пул тушуми аввалги йилларга қараганда анча яхшиланди. Бунинг асосий сабаби 10 та «Татра» трамвай, 20 та «Шкода» троллейбуси сотиб олганимиздир. Бунинг учун бизга «Тошшаҳарйўловчитранс» каттта ёрдам берди.

Қаерда ишчилар манфаати кўзланса муваффақият ҳам ўз-ўзидан кўпаяверади. Ҳар доим илғор ишчиларга ойлик маош билан бир қаторда мукофот пули ҳам бериб борилади. Ўтган йилда ўртача маош 7-8 минг сўм бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич ундан ҳам ортди. Ҳар йили 13 ойлик берилади. Маошлар ўз вақтида бериб борилятпти.

Айни кунларда ишчилар ётоқхонасида 400 киши яшайди. Улар учун ҳам яхши шароитлар яратганмиз. 236-ҳунар техника билим юртимизда трамвай - троллейбус ҳайдовчилари ўқитилмоқда. Ўқувчилар учун стипендия ва транспортларда бепул юриш ҳуқуқи берилган.

Алмати, Челябинск ва россиялик шериклар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Эҳтиёт қисмларни асосан улар етказиб беради.

Тўғри, бизда ҳам нуқсон ва камчиликлар бор. Баъзан транспортлар тез-тез бузилиб қолади. Ёки трамвай-троллейбуснинг «қон томири» издан чиқади. Йўловчилар кўп. Уларга намунали хизмат кўрсатиш бизнинг бурчимиз. Шундай кезларда техник ёрдам кўрсатадиган машиналаримиздан фойдаланамиз. Қолаверса, ўз техникаларимизни таъмирлайдиган заводимиз ишлаб турибди. 80 фоиз юмуш тўлиқ ўзимизда бажарилади. Мақсад битта — пойтахт аҳолисига ва шаҳримиз меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қува туманидаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилишмоқда. Жорий йилда улар 465 гектар майдонда етиштирилган пахтадан гектарига 34,3 центнердан ҳосил олишни режалаштирган.

Хўжалик раҳбарияти пахтакорларнинг ҳар беш кунлик терилган пахтасини ҳисоблаб, ўз вақтида иш ҳақини бермоқда. Илғор бригадалар учун алоҳида совғалар, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам ажратилган.

СУРАТДА: **жамоа хўжалиги газначиси Исмоил Иброҳимов теримчиларга беш кунлик иш ҳақини тарқатмоқда.**

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

«Сесна — 402» ҳалокатга учради

Даниядан Норвегияга қараб парвоз қилаётган икки моторли «Сесна-402» самолёти ҳалокатга учради. Натижада самолёт учувчиси ва саккиз нафар йўловчи ҳалок бўлди. Дания телевидениесининг маълум қилишича, фалокат самолёт ичида чиққан ёнғин туфайли содир бўлган.

Ҳалок бўлганларнинг барчаси Дания фуқаролари эди.

Референдум арафасида

Қирғизистон Республикасида шу йилнинг 17 октябрь куни давлат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда хусусий мулкчиликнинг янги шакллари бўйича референдум ўтказилади. Унда чет эл расмий доираларининг кузатувчилари иштирок этади.

Шу йилнинг 1 сентябрида Президент Асқар Акаев мамлакат халқига қилган мурожаати якунларига кўра, 17 октябрда референдум ўтказишга келишилганди. Мазкур мурожаат меҳнат жамоаларида муҳокама қилинди.

Асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси бўйича таклифлар киритилди, айрим эътирозлар билдирилди.

Қонун лойиҳасида муҳокамага тортилган парламент тизимида ислоҳ ўтказиш, хусусий мулкчилик институтини ташкил этиш, матбуот эркинлиги каби масалалар Қирғизистон учун катта аҳамиятга эга.

Референдум арафасида Қирғизистон Республикаси ҳукумати БМТ Бош котиби Кофе Аннанга ва бошқа халқаро ташкилотлар, давлат раҳбарлари ва нодавлат ташкилотлар, ихтисослашган институтлар ва БМТ муассасалари раҳбарларига мурожаат қилиб, кузатувчи сифатида ўз вакилларини юборишларини сўраган. Қирғизистон Республикаси халқаро кузатувчиларнинг мамлакатда эркин ҳаракатда бўлишлари ва қирғиз халқининг мамлакат Конституцияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари Декларацияси асосида ўз хоҳиш-иродасини ифода этишини матбуотда ошкора ёритишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасидан хабар беришларича, референдум куни Ўзбекистонда яшаб турган Қирғизистон фуқароларининг мазкур сиёсий тадбирда қатнашиб, ўз хоҳиш-иродаларини намоён этишлари учун барча имкониятлар яратилади.

Расмий манбалар асосида Салим АШУРОВ тайёрлади

Йирик ҳарбий машқлар ўтказмоқчи

Туркияда чоп этиладиган «Ҳуррият» газетасининг ёзишича, ушбу мамлакат қуролли кучлари 6 ноябрдан 14 ноябргача Сурия билан чегарадош ҳудудларда йирик ҳарбий машқлар ўтказади. Унда 50 мингга яқин ҳарбийлар иштирок этади.

Турк ҳарбийларининг таъкидлашича, Туркия ҳукумати ушбу тадбир орқали Сурия билан муносабатларда юзага келган сиёсий тангликка қанчалик жиддий қараётганини намойиш этмоқда. Машқларни Туркия ҳукумат раҳбарлари ҳам кузатади.

(ЎзА)

Кичкина... ва катта одам

Урганч — жаҳоний ўлчамда олинса — ўртача шаҳар. Саноати ривож топаётган, ҳашам ва чирой очаётган. Истиқлолдан кейинги йилларда бўй чўзган бинолар, барпо бўлган боғ-хиёбонлар...

Ҳозир гап бу ҳақда эмас. Балки, шу шаҳарнинг кичик бир лавозимида ишлаётган замондошимиз ҳақида.

Комилжон Отаниёзов номли 15-маҳалла мақтовимизга кўпам муҳтож эмасдир. Давлатимизда биринчилардан бўлиб «Энг намунали маҳалла» нисбатини олган. 425 хонадонда мингга яқин оила, уч ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўн бир миллат вакиллари иноқлиги, тўй-маъракаларидаги уюшқоқлик, оғзибирликни кўриб, қарсак чалаверасиз...

Маҳалла кенгаши котиби Худоёр Худоёров ҳали ёшгина йигит. Чеки тушиб, «афғончи» бўлган. Қўли гул, ҳунарли.

Бир қарасангиз қўли ёзув-чизувдан, боши тўйтадбир, маслаҳатлардан аримайдигандек. Элатчилик-да. Кимга маълумотнома керак. Биров ниманингдир тадорлигида. Ишқилиб, ишлайман десанг юмуш етиб ортадиган.

Йил бошида маҳаллада биллиардхона иш бошлади. Ёнида ихчамгина стол тенниси билан. Кенг

Янги замон кишиси

залга тўртта биллиард столи ўрнатилган. Атроф озода. Тартиб-интизом ўрнида. Фақат ҳавасмандларнинг ҳаяжонли овозлари ва соққаларнинг «шарақ-шуриқи» эшитилади.

Худоёр ҳунарли йигит дедик. Гапимизни исботлайлик — ана шу тўртта биллиард столини ҳам ўзи ясади. Асосий вазифасидан бўш вақтларида. Кўриб кўзингиз қувонади. «Фирменний»дан фарқлаш қийин. Сир эмас, айтиш жоиз, биллиард столининг энг арзони хорижда бир неча минглаб долларлар билан баҳоланади.

Наврўз кунларида биллиард бўйича маҳалла оилалари ўртасида мусобақа ўтказилди. Ташкилотчи — Худоёр. Бир ёқда маҳалла қўмитаси раиси Аминбой Абдураҳимов ва маҳалланинг обрўли, ташкилотчи отахони Раҳимбой ота Каримовлар бош-қош бўлишди. Ғолибларга ўн минг сўм миқдорида мукофот ҳам қўйилди. Соққа суришни қойил қилган А.Исмоилов, Б.Рўзметов ва Б.Матёқубовларда кетди ғолиблик.

Ҳозирда юз элликдан ортиқ ёшлар мунтазам биллиард билан шуғулланишмоқда, бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Маҳалла йигитлари спорт билан машғулми — кўча-кўй тинч, ота-оналар хотиржам.

Дарвоқе Худоёр Худоёров маҳалла ХДП ташкилоти котиби. Оз эмас тўқсон нафар партия аъзоси бор. Уларнинг бошини қовуштириб, маҳалла аҳли ўртасида юртбошимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари борасида тарғибот-ташвиқотни йўлга қўяётган ҳам котибнинг ўзи.

Одамнинг элга, юртга нафи тегса қандай яхши. Аҳалли унинг бир бўғини бўлган маҳаллага. Борингки, бир оилага.

Ана шунда кичкинагина лавозимдаги одам ҳаммага керакли, обрўли, катта одамга айланади. Чунки, унинг ташвишлари, орзулари шу ўлчовда.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Шарқона миллий таом ҳисобланмиш палов — халқимиз дастурхонининг кўркидир. Биз ҳар бир тўй-ҳашамларимизни, байрам тадбирларимизни бу шарқона таомсиз нишонлашни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Палов — жуда қадимдан тўкин-сочинлик, саховат, меҳмондўстлик рамзи ҳисобланиб келган. Мана шундай дастурхонимизни обод қилаётган шоликорлар меҳнати эса халқимизга ҳамиша манзур.

Айни кунларда шоликорларнинг ишлари қизғин. Нукус туманидаги «Шўртанбой» жамоа хўжалиги далаларида шоли ўрими бошланди. Қорақалпоғистон далаларида 30 дан ортиқ «Мега» комбайнлари шоли ҳосилини ўрмоқда. Ушбу комбайн секундига 20 килограмм донни йиғади.

Айни пайтда шўртанбойлик шоликорлар давлатга 7422 тонна ҳосилни топшириш учун ҳаракат қилишмоқда. Сентябрь ойида улар давлат хирмонига 1411 тонна шолини жўнатишди. Тиниб-тинчимас жамоа хўжалик деҳқонлари шоли ўрим-йиғимини жадаллаштирмоқда.

СУРАТЛАРДА: **1. Илғор комбайнчи Алписбой Ултанов. 2. Шоли ўрими пайти.**

А. МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар

«Адолат бор, Неъмат ака!»

Тани меҳнатда қотган бу киши билан гаплашиш қийин. Ҳадеб ўзининг ҳақлигини уқтиравергани баъзан ғашингизга тегади. Аммо, қанчадан-қанча қонун ҳужжатларини ўрганиб юргани, қатъияти беихтиёр ҳурматингизни ҳам оширади. Негаки, бутун умр ҳалол меҳнат қилган фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмоқда. Бироқ, журналистнинг «тиши ўтмайдиган» масалалар ҳам бор, ахир. Буни шикоятчига очиқ эътироф этаман: «Мен иқтисодчи ҳам, ижтимоий таъминот ходими ҳам эмасман. Нафақангиз миқдорини ўшалар ҳисоблаб беришлари керак».

— Нотўғри ҳисоблашган, — эътироз билдиради у. — Менинг имтиёзим уруш қатнашчисига тенглаштирилган. Узоқ йиллар қурилиш ташкилотида меҳнат қилиб, 1992 йилда III гуруҳ меҳнат ногирони сифатида нафақага чиққанимда ўртача иш ҳақим 223 сўм 77 тийин эди. Бунинг 30 фоизи 67 сўм бўлади. Аммо, туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Норқобилов 36 сўм 67 тийин ҳисоблаб ҳаммани чалкаштирди. 1993 йилнинг ноябрь ойидан II гуруҳ ногирониман, аммо ҳужжатларга амал қилинмаяпти. Газетангизга ёзганман, ёзма жавоб беришга мажбурсизлар, ҳа, мажбурсиз...

Дарҳақиқат, Китоб шаҳар Самарқанд кўчасида яшовчи фуқаро Неъмат Йўлдошевнинг қўлида турли ташкилотлардан келган жавоб хатлари, ҳужжатлар озмунча эмас. Китоб туман ички ишлар бўлимига ёзган аризаси бўйича жиноий иш қўзғаш рад этилган. Молия ва бошқа ташкилотлар ходимларидан иборат комиссиянинг далолатномасида нафақа тўғри тўланганлиги уқтирилган. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси хулосаси ҳам шундай. Бироқ, Неъмат ака рози эмас. Нима бу — ўжарликми? Ёки ҳақиқатан ҳам бир фуқаронинг ҳақини еб кетишаяптими? Ёз-ёзнинг ҳам чеки бордир, ахир?!.

Журналист малакаси ва тафаккури ҳамма масалаларни қамраб олиши қийин. Масалан, мен йигирма йиллик фаолиятим давомида ижтимоий таъминот ва нафақа тўлаш тартибларига илк дуч келишим. Мутахассислар ва мутасадди ташкилотлар хулосасини тан олмаётган Неъмат Йўлдошев иштирокида Китоб туман ижтимоий таъминот ва почта бўлимлари иши билан танишишга тўғри келди. Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари Ойсоат Абдураҳмонова, бош йўриқчи Абдусалом Маликов, ҳисобчи Ханифа Ярашова, ҳуқуқшунос Анвар Келдиёровлар билан биргаликда ҳужжатларни таҳлил қилиб чиқдик.

— Очиғи, Неъмат аканинг нафақаси юзасидан ҳисоб бермаган жойимиз қолмади, — дейди бош йўриқчи Абдусалом Маликов. — Бу киши 1991 йил охирида III гуруҳ меҳнат ногирони сифатида нафақага чиққанларида иш ҳақлари ўртача 223 сўм 77 тийин ҳисобланган ва шу асосда нафақа тайинланган. Белгиланган устамалар ҳаммаси қўшиб борилган. II гуруҳ ногиронлиги ҳисобга олинган. 1994 йил нафақа тайинлаш ҳақида қонун қабул қилингач, нафақалар қайта ҳисоблаб чиқилди. Тўқсон олтинчи йил декабрдан у кишининг нафақаси 1393 сўм 43 тийин бўлди ва бунга уруш қатнашчиси сифатида 300 сўм қўшилади. 1997 йил май ойида Республика Президентининг «Иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Шунга кўра, Неъмат акага 2177 сўм 64 тийин нафақа тўланмоқда. Бунга уруш қатнашчиси сифатида 402 сўм ҳам қўшилган. Агар фақат қарилик нафақаси тайинланса, уруш қатнашчиси имтиёзи ҳамда II гуруҳ уруш ногиронлиги ҳисобга олинмаса, нафақа яна кам чиққан бўларди. Неъмат ака уруш ногирони эмас. Фақат I ва II гуруҳ уруш ногиронлари нафақасига 1125 сўм устама қўшиб тўланади. Буларни юқори ташкилотлардан келган мутахассислар неча бор текшириб кўришди.

Неъмат Йўлдошев бунга эътироз билдиради, «ҳисобкитобда 4 марта устама берилмаган», дейди. Бу можаронинг тагига етиш учун дастлабки ҳужжатларни титкилаймиз. Неъмат аканинг ҳужжатларини қабул қилган ижтимоий таъминот бўлими ходими Умар Норқобилов ҳозир ишламайди. Бўлим бошлиқлари ҳам ўзгариб кетган. Ҳужжатларни кўздан кечиргач, Неъмат Йўлдошевга нафақа тайинлаш ҳақидаги фармойиш бир неча бор ўзгартирилганлигига амин бўлдик. Масалан, 1992 йил январь ойидаги фармойишда нафақа миқдори 175 сўм, уруш қатнашчиси қўшимчаси 87 сўм 50 тийин, жами 262 сўм 50 тийин қилиб белгиланган. Февраль ойидаги нафақа миқдори — 363 сўм 52 тийин. Март ойида устамалар ҳисобланиб, 525 сўм қайд этилган. 1992 йил июлидаги фармойишнинг биттасида 975 сўм, иккинчисида 475 сўм кўрсатилган. Хўш, қайсиниси тўланган?

Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг етакчи мутахассиси Ф. Рустамов 1995 йилнинг 15 мартида бу ҳужжатларни ўрганиб, «нафақа тўғри тўланмоқда», деган хулосага келган. Мутахассислардан бирининг «Агар Йўлдошев бошқа йиллардаги иш ҳақлари ҳақида ҳужжат тақдим этса, нафақасини кўпайтириш мумкин», деган хулосаси ҳам мавжуд. Демак, Йўлдошевга нафақа тайинлаш ҳужжатлари дастлаб палапартиш тайёрланган. Ҳукумат қарор ва фармонларида кўрсатилган қандай устамалар берилмай қолгани, бу ҳозирги нафақаси миқдорига қандай таъсир кўрсатганини фақат мутахассислар аниқлаб бера оладилар. Матбуот ходимининг бунга имконияти йўқ.

Бир хат изидан

Дастлабки йилларда тайинланган нафақа ҳақида гапириб, «айрим ойлардаги имзо меники ҳам, ўғлимники ҳам эмас», дейди Неъмат ака. Биз туман почта бўлимида сақланаётган тўлов ҳужжатларини кўздан кечириб чиқдик. Аввало, нафақахўрнинг ўғли отаси ўрнига имзо қўйганлиги туфайли белгиланган тартибни бузган. Мабодо, кимдир сохта имзо қўйиб нафақахўрнинг пулини олган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилиш лозим. Текшириш, хатшунослик экспертизаси ўтказиш уларнинг вазифаси.

Нафақахўр қанчалик таъна тошини отмасин, нафақа тизими кўплаб афзалликларга эга. Ҳукуматимиз кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга оширмоқда. Мустақиллигимизнинг бошиданоқ нафақахўрлар манфаати ҳимоя қилиб келинмоқда. Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқи ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Унда олга сурилган муҳим ижтимоий хулосалар нафақат вилоят, балки юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар тақдирига таллуқлидир. Ишларимизга танқидий назар билан қарайдиган ҳозирги вазиятда республика Ижтимоий таъминот вазирлиги, унинг Қашқадарё вилоятидаги ходимлари бир неча йилдан буён тинмай шикоят ёзаётган фуқаро Неъмат Йўлдошевга нафақа қандай тайинлангани билан яна бир бора жиддий шуғуллансалар, натижасини рўзномамиз орқали хабар қилсак. Бильакс, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунда кўрсатилганидек, ноҳақ шикоят ёғдириб турли идораларни овора қилган, ортиқча харажатлар сарфланишига сабаб бўлган киши ҳам масъулиятга тортилади. Сўнгги сўзимиз шу: «Ҳа, Неъмат ака, қонун олдида сиз, биз — барчамиз баробармиз. Зотан, адолатни ҳеч ким топтаёлмайди...»

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Чемпионнинг туғилиши

Спорт

Уч марта жаҳон чемпиони Эркин Куттибоев ҳузурида

Эркиннинг ижара квартираси шинамгина. Бироқ, уч марта жаҳон чемпиони ижара уйида — тасаввурга сиғдириш қийин. Машҳурлар — кино, эстрада, қоларерса, спорт юлдузларига шоҳона уй, «иномарка»лар раводек кўринади...

Спортчилар қандай қилиб чемпионликка эришадилар? Шу ҳам савол бўлдими, дейсизми? Албатта, куч, ирода, қайта-қайта машқлар туфайли. Йўқ, мен Эркинга бу саволни берганим йўқ. У ҳам бу ҳақда гапиргани йўқ. Шунчаки суҳбатлашиб ўтириб чиқарган хулосаларим холос. Чемпион бўлиш учун чемпион бўлиб туғилиш керак экан. Юз марта. Минг марта...

Имтиҳонни Нукусда топшириб, Киев шаҳридаги қурилиш-муҳандислиги институтига кирган нукуслик бу йигитча ўрисчани чала-чулпа биларди. Ўқитувчиси тепасига келиб, «Куттибаев, я же вам задаю вопрос», деганида ноқулай аҳволга тушарди. Имтиҳон дафтарида эса, табиийки, «уч»лар қаторлашиб турарди. Бу баҳоларни кўрган институтнинг бокс тўгараги раҳбари унинг эркин курашдан биринчи разрядига қарамай, тўгаракка қабул қилишни истамади. «Ўқишинг жуда паст, барибир сени ҳайдашади», — деди. Эркин қайта-қайта келаверди. Бир ой, бир йил, икки йил... Охири тренернинг жонига тегди. «Толик, манави билан ўзинг шуғулланиб кўр», деди бир куни ёрдамчисига. Бирон соатдан кейин келган тренер Толикни оғзи-бурни қон ҳолда кўрди. Эркин бокс қонун-қоидалари билан эмас, шунчаки икки йил ялинганининг аламиданми, боплаб бир мушт туширган эди холос.

Видеода эса 1995 йил Таиландда ўтказилган тай-бокс бўйича биринчи жаҳон чемпионати. Бу вақтгача Украина номидан кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатларида қатнашиб, Данияда кумуш, Венгрияда бронза медалларини қўлга киритишга улгурган. Австриянинг очиқ чемпионати ғолиби, Италияда Европа чемпиони. Бироқ, Эркин учун тайбокс — ҳали янгилик. Таиландннинг бу миллий спорт тури қоидалари нисбатан бешафқат, қўлни ҳам, оёқни ҳам, тизза, елкаларни ҳам ишлатиб курашасан.

Биринчи рақиби — англиялик боксчини иккинчи раунддаёқ нокаут қилди. Италиялик Стефано билан беш раундни ўтказишга тўғри келди. Лекин, очколар ҳисобида — 41:10 га ютди. Австриялик журналистлар Эркинга бекорга «Куволда» деб ном беришмаган...

Ҳар куни эрталаб 9 дан 16 гача



давом этадиган институт машғулотларидан кейин яна уч соат спорт билан шуғулланиш, ундан сўнг қўшимча иш — гастрономда юк ташишга улгуриш учун одамни жисмоний қувватдан ташқари яна қандай куч суяб турар экан?

Тошкентга келгач, «Язекс»даги 5-6 ойлик ишдан кейин яна ишсиз ва квартирасиз қолганида, «Биллур» кикбокс залида тунаб юрганида ҳам руҳини туширмай, спорт билан шуғулланиш учун қанчалик ирода керак экан одамга.

— Эй бола, сен кимсан нима қилиб юрибсан ўзи? — суриштирди «Стеллор» корхонаси директори Мурод Камолов, гарчи Эркин ҳақида бошқалардан эшитиб, уни ўзи излаб топган бўлса ҳам.

Ўзбекистон шарафи учун биринчи жаҳон чемпионатига боришига ҳам «Стеллор» ҳомийлик қилди.

— Барибир, дунёда яхшилар кўпроқ...

Ҳа, Эркин тўғри айтди. Бу йилги чемпионатга боришига ҳозирги иш жойи — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳомийлик қилди. Мусобақалар олдидан чемпионат ўтадиган мамлакатлар иқлимига мос келадиган жойларга — Болгарияга, денгиз бўйларига, ўзимизнинг тоғларга жўнатишди. Ҳозир эса вазирлик раҳбарлари уни квартира билан таъминлаш масаласини ҳал қилишяпти.

— Ўзбекистонга қайтиб келишингга аввало ота-она, оила, юрт соғинчи сабаб бўлса керак?

— Фақат булар эмас...

Биз 1997 йилги жаҳон чемпионати видео тасвирларини кўра бошлаймиз.

Эркиннинг чемпионатдаги биринчи жанги таиландлик билан бўлди. Мусобақада Эркиннинг ёлғиз ўзи эмас, Ўзбекистоннинг тай-бокс Федерацияси номидан яна 12 спортчи ҳам бор эди. Таиландликни иккинчи раунддаёқ нокаут қилди. «Биласизми, агар биринчи жангни бой берсам, йигитларимизни чўчитиб қўярдим», дейди Эркин.

Қозоғистонлик рақиб билан финал жанги 5:1 ҳисобида якунланди. Мана Эркин шоҳсупада. Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Эркин байроқни ўпаркан кўзлари намланди.

Ҳозир ҳам Эркин ҳаяжонланиб ўтирибди. Унинг бу тасвирларни минг марта кўрса, минг марта ҳаяжонланишига имоним комил. Худди чемпион бўлиб, унинг шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилган дақиқалардаги каби.

— Шарафимга Ватаним байроғи кўтарилишини жуда-жуда истардим — Эркин бояги саволга энди жавоб беради.

— Иқтидорлар нимадан ўсади деб ўйлайсиз? Энди саволни Эркиннинг ўзи беради. — Эътибордан. У республикамиз Президентининг Ватанимизнинг номини дунёга танитаётган спортчилар ҳақидаги гапларини деярлик ёддан айта бошлайди.

Иқтидорларнинг сўнишига сабаб ҳам — эътиборсизлик. Шу йил август ойида 11 йигит учинчи жаҳон чемпионатига қатнашиб келдик. Аэропортдаёқ гулдасталар, совғалар... Спорт қўмитаси вакилларининг табриклари — ҳаммаси кўнглимизни тоғдек кўтарди.

... Мана ўша чемпионатнинг видео тасвирлари. Финал. Эркин швед боксчиси билан жанг қиляпти. Биринчи раунднинг бошланиши. Иккала рақиб ўртасида синовчан ҳаракатлар. Томошабинларнинг ҳам, ҳакамнинг ҳам асаби таранг. «Жангни бошланглар», жаҳли чиқади ҳакамнинг. Бешинчи раунддагина Эркин рақибини нокдаун қила олди.

Ана у шоҳсупага кўтарилди. Ўзбекистон гимни янграйди. Эркин Куттибоев ҳилпираётган Ватан байроғига қараб турибди. Ҳамюртларимиз, барча томошабинларнинг нигоҳи байроғимизда. Гўё дунё Ўзбекистон байроғига қараб турибди.

— Ана шу дақиқалар олдида ҳамма қийинчиликлар, эътиборсизликлар гапиришга арзимайдиган майда-чуйда нарсалар, — дейди Эркин.

— Ҳақиқатан ҳам майда-чуйда гаплар, — дейман мен ҳам.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ният холис экан. Тўққиз ойдаёқ мустажоб бўлди-қўйди. Албатта, жаҳон андозаларига мос теннис корти, қулинг ўргилсин стадион, велопойга маскани каби маконлар бисёр. Аммо, бир йўла дам олиб, бўш вақтни мазмунли ўтказишга мўлжалланган мажмуага муҳтожлик сезиларди. Вилоят ҳокимининг ташаббусини фаоллар қўллаб-қувватлашди. Бўлажак спорт масканини «Паҳлавон» деб атайдиган бўлишди...

Шаҳарнинг Мингчинор мавзесида селхонага ўхшаш жарлик жой учун танланди. Бу билан шаҳар кўркига соя ташлаб турган жой обод бўлиши кўзда тутилди. Яна бир афзаллиги шундаки, мажмуа меҳмонлар ўтадиган катта йўлнинг бўйида жойлашади. Шундай қилиб, қурилишга фотиҳа берилди. «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамияти сув ва иригация қурилиши трестлари, ҳашарчилар бунёдкорлик ишига жадал киришдилар. Франция, Италия, Чехия, Канада каби мамлакатлардан келтирилган қурилиш материаллари усталаримиз қўлида сайқал топди. Бино учун 500 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

Куни кеча «Паҳлавон» спорт мажмуининг тантанали очилиши бўлди. Шаҳар

Наманган «Паҳлавон»и



ҳокими Муҳаммаджон Тожибоев тантанани очди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов маъруза қилди. Мўътабар қарияларимиз дуолар қилишди. Қурилишни қойиллатган усталарга «Тико» енгил автомашинаси ва бошқа эсдалик совғалари топширилди. Наманганликлар фахри ҳисобланган «Навбаҳор» футболчилари ҳам шарафланди.

Икки оғиз спорт маскани ҳақида: уч гектар майдонда қад кўтарган. Маҳобатли бинода волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва мини футбол ўйнаш мумкин. Сузиш ҳавзалари, теннис корти, айниқса, меҳмонхона ва ресторан хориж тажрибаси асосида бунёд қилинган. Бир сўз билан айтганда 1200дан ортиқ йигит-қизнинг бирйўла спортнинг ўзлари ёқтирган тури билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратилди. Бу ҳаммаси юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол бўлишларига кўрсатилаётган катта эътиборнинг нишонасидир. Ҳозирча Марказий Осиёда ягона ҳисобланган «Паҳлавон»нинг олдига тушадигани топилмай турибди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратларни Турғунбек МАҲКАМОВ олган.

Навбат—Осиё ўйинларига

Маълумки, жаҳон чемпионатлари, олимпиада ва Осиё ўйинлари ҳар бир мамлакат спортчилари учун зўр синов ва маҳорат мактаби саналади. Мустақилликнинг етти йили ичида Ватанимиз спортчилари бу борада ўзларини нималарга қодир эканликларини амалда намойиш этдилар. Айниқса, Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида эришилган муваффақиятлар унутилмас воқеага айланди. Мана яна навбат Осиё ўйинларига. Галдагиси 6 — 20 декабрь кунлари Бангкокда бўлиб ўтади. Шу кунларда спортчи йигит-қизларимиз орасидан энг кучлиларни саралаб, ана шу мусобақага олиб бориш юмушлари охирига етказилмоқда.

Маълум бўлишича, Осиё ўйинларида ёшлар спортнинг 36 тури бўйича ўзаро баҳслашадилар. Ҳар бир мамлакатнинг қарийиб 750 нафар кишилик делегация билан мазкур мусобақада иштирок этишига йўл берилади. Ўзбекистон спортчиларининг 350 кишидан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Улар спортнинг 26 тури бўйича баҳслашадилар. Мухлису мутахассислар ҳозирча енгил атлетика, велопойга, кураш, бокс, оғир атлетика, эшкак эшиш, теннис, футбол каби мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатиб, совринли ўринларни эгаллашларига умид қилишмоқда. Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими 6 декабрда бўлса 20 декабрь куни мусобақага якун ясалади.

Мухлисларни баскетболчи қизларимизнинг қайси гуруҳда кимлар билан куч синаши қизиқтирса керак. Улар «F» гуруҳида Япония, Хитой, Жанубий Корея жамоалари билан майдонга тушадилар. Йигитларимиз эса «В» гуруҳида Корея, Саудия Арабистони ва Лебанон спортчилари билан баҳслашишлари маълум бўлди. Шунингдек, чим хоккейчи йигитлар Корея, Япония, Малайзия, Шри Ланка ҳамда Сингапур жамоалари билан ўйнашса, қизларимиз Корея, Ҳиндистон, Қозоғистон хоккейчилари билан учрашадилар. Футболчиларимиз эса «G» гуруҳида Непал, Монголия, Қувайт жамоалари билан баҳслашадилар. Бу маълумотлар Республика Миллий олипиада қўмитасида ўтказилган матбуот йиғилишида аён бўлди.

Москванинг тор кўчаси

Москвада Таманская кўчаси бор. У Серебрянний ва Троице-Лыков мавзеси бўйлаб «юради». Бу кўча жуда антиқа. Антиқалиги шундаки, шу икки мавзени қоқ ўртасидан Москва дарёси оқади. Хўш, дерсиз ҳайрон бўлиб. Анчадан буён дарёда на кўприк, на вақтинчалик ўрнатилган якка чўп бор. Хуллас, икки мавзе бир-биридан «узилган». Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Беш бола бекор юришарди. 11-13 ёшлардаги ўсмирлар ишбилармонлик қилишмоқчи бўлишди. Москванинг бу тор кўчасига қатновчи, аниқроғи, «сузувчи» йўналиш очишди. Беш ўсмир амал-тақал қилиб қайиқ сотиб олишди. Бошлиқлари Антон ва Андрей. У қирғоқдан бу қирғоққа 10 рубль. Қария ва ёш болаларга «чегирма»сиям бор.

Айтишларича, кунига 100 рублдан тушиб турраркан. Болалар тўпланган маблағга иккинчи қайиқни сотиб олишмоқчи экан. Ҳозир чўмилиш мавсуми тугаб, мижозлар сал «босилган». Аммо болалар яқин кунда иш қизишини айтишяпти. Чунки ҳарбий комиссариат ҳадемай сўл қирғоқдаги Строгино ва бошқа туманлардан юзлаб ёшларни кузги чақириққа «олади». Шунда у қирғоқдан бу қирғоққа Антоннинг қайиқлари ғиз-ғиз «учади-да».

Болалар ҳозирча дарёни «ўзиники» қилишиб турибди. Чунки катталарнинг бундай майда-чуйдаларга сира вақти йўқдай кўринади.

Видеокамера ўрнига... ғишт

Икки италиялик ўзаро тил бириктириб, мўмай пул ишлаш йўлини топишди. Соддадил чет эл сайёҳларига видеокамера ва магнитол ниқоби остида чиройли ўраб безатилган... ғиштни сотиб юбордилар.

Гап шундаки, харидорларга улар аввалига ҳақиқий видеокамерани кўрсатишган. Улар нархига ҳам кўп тортишиб ўтиришмади. Шундан сўнг, товламачилардан бири харидордан пул санаб олаётган пайтда унинг шериги сездирмасдан видеокамера қутисига худди ўша тарзда чиройли ўраб безатилган ғиштни жойлаштириб қўйган.

Қизиғи, товламачилар харидорларни лаққа тушириш учун ўзларининг савдо жараёнларини ҳам видеокамерага олишган. Кейин уни харидорга қўйиб кўрсатишган: «Қаранг, қандай ажойиб ишлаяпти,ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, биз айримларга ўхшаб харидор ҳақига хиёнат қилмаймиз». Бунга чиппа-чин ишонган харидор «видеокамера»ни олиб, сумкасига жойлаштириш билан банд бўлар экан, товламачилар қўён бўлиб қолишади. Бироқ харидор ўзининг лаққа тушганлигини пайқагач, дарҳол яқиндаги полициячига мурожаат қилади. Ва унга товламачилар шошилинч ўтирган машинанинг русумлари ва белгиларини аниқ айтиб беради.

Вазирнинг эътирофи

Мексикага хизмат вазифаси билан келган Швейцариянинг иқтисод вазири Паскаль Кочепен Швейцариянинг банкларида йиғилган 100 миллион Америка доллари ҳажмидаги Мексика маблағлари фақат суд ҳукми орқали, агар у наркотик моддалар операцияси натижасида йиғилган, деб эътироф этилсагина мамлакатга қайтарилади. Бу маблағлар Мексиканинг аввалги Президенти Карлос Салинаснинг укаси Рауль Салинасга тегишлидир. Маълумки, Рауль Салинас 4 йилдирки йирик контрабандистик операциялар (наркотик моддалар ҳам) ўтказганлиги учун турмада сақланмоқда. Аммо, ҳанузгача савол-жавоб ишлари охирига етказилгани йўқ.

Элчихона қаттиқ қўриқланаётир

Таиланд пойтахти Бангкокдаги АҚШ элчихонаси биноси полициячилар томонидан ўраб олинди. Бунга номаълум шахснинг маҳаллий телевидениега элчихона биноси яқинига бомба яширилган, деб маълум қилиши сабаб бўлди. Полициячилар элчихона атрофини кўздан кечирар экан, яқин орадаги автомобилларни ҳам бирма-бир текшириб чиқди.

АҚШнинг Бангкокдаги элчихонаси шу йил август ойида ушбу мамлакатнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарига уюштирилган террорчилик ҳаракатидан кейин ўнлаб полициячилар томонидан кеча-кундуз қўриқланаётир.

Кузатувчиларни жўнатиш сўралди

Венесуэла ҳукумати йирик халқаро ташкилотлар ва бир қанча мамлакатлар ҳукуматларига расмий таклиф билан мурожаат этди. Унда бу мамлакатда бўлиб ўтадиган Парламент ва Президент сайловларига ўз кузатувчиларини жўнатиш сўралган.

Венесуэла ҳукумати вакилининг айтишича, бундай қарор қабул қилиниши мамлакатда сўнгги йилларда қатор қийинчиликлар ва муаммолар юз берган бўлса-да, ҳукумат ва халқ демократия тамойилларига содиқ эканини кўрсатиш билан изоҳланади. Кузатувчиларни қабул қилиш ва уларнинг яхши шароитда ишлашини таъминлаш мақсадида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Мамлакатдаги 23 штат губернаторлик ўринларига ва Парламент янги таркибига сайловлар жорий йилнинг 8 ноябрида, Президент сайлови эса 6 декабрда бўлиб ўтади.

(ЎзА)



Вьетнам. Халонг кўрфази

Оппозиция янги сайловлар тарафдори

Бугунги кунда Италия сиёсий кризисдан чиқиш учун барча ҳаракатни қилмоқда. Италия Президенти Оскар Луиджи Скальфаро сиёсий партия раҳбарлари билан учрашди. Аммо, оппозиция сиёсатдонлари сиёсий кризисдан чиқиш учун янги сайловлар ўтказишга даъват этмоқда. Скальфаро сайлов ўтказиш ва Романо Проди раҳбарлигида янги ҳукуматни тузишга қарши чиқмоқда. Лекин, Продининг ўзи ҳам янги ҳукумат кабинетини тузиш имконияти йўқлигини эътироф этмоқда.

Ҳукм ўз кучида турибди

Эрон ташқи ишлар вазири мамлакатда чиқадиган газеталардан бирида аппеляцион Олий суд немис ишбилармони, отишга ҳукм этилган Гелмут Хофеер ҳақидаги ҳукм тасдиқланганлиги тўғрисидаги хабарни инкор этди. Ташқи ишлар вазирининг хабарига кўра, Хофеернинг аппеляция аризаси ҳали кўриб чиқилмаган. Эрон қонунига кўра мусулмон аёлининг бошқа дин вакиллари билан никоҳлари ман этилади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ...

Омадлими ёки омадсиз?

«Омадга ишонасизми?» деган саволга «Ҳа, ишонамиз!» — дейишади ҳамма омади келганлар. Аммо, омади келмаганлар-чи?

Халқда осмондан чалпак ёғилмайди, деган гап бор. Бу дегани кўп нарса ўз саъй-ҳаракатингга боғлиқ, ҳаракатга яраша баракат, деган маънони билдиради.

Аммо, ҳаёт ҳаёт-да! Ҳамма замонда ҳаёт мураккаблиги, одамлар тақдирининг хилма-хиллиги муаммолари шу соҳалар билан қизиқадиган инсонларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, омадсизлик наслдан-наслга ўтадиган кўзга кўринмас «касаллик» экан. Ишонмайсизми? Бутун-бутун оилаларнинг сира омади юришмаслигига асосий сабаб ташқи омилларда бўлмай, балки айнан уларнинг наслига боғлиқ экан!

Яқинда инглиз олимлари бу муаммонинг тагига етдилар. Улар ўтказган тажриба ва тадқиқотлар якунлари шуни кўрсатдики, омадсизлар сира бировлардан хафа бўлмасликлари керак. Юлдузлар тўғри «фол» очмаганидан ҳам ёки синиқ ойнадан ҳам, олдидан қора мушук ўтиб қолганидан ҳам, хуллас омадингизни турли ташқи сабаблардан изламасликлари керак. Бекордан-бекорга ўзингизни ҳуноб қилиб, айбни ташқи сабабларга тўнкаб юришнинг асло ҳожати йўқ. Бу — ўз наслингиздан «юққан» кўргулик экан.

Тадқиқотлар натижаси янада равшанроқ бўлиши учун Ҳасан-Ҳусанлар, Фотима-Зуҳралар, қисқаси, бир ота-онанинг фарзандлари омадлари синаб кўрилди. Уэльс университети руҳшуносларининг ўтказган тадқиқот натижасига кўра, бутун-бутун оилаларнинг омади юришмаётганлигига асосий сабаб уларнинг «турмуш шароитлари ўнгидан келмаётгани эмас». Балки, бу оилаларда ҳеч ким амал курсисига кўтарилмаган, ишдан бўшатилган, ўғирликлар содир этган, автомобиль ҳалокатига учраган. Ёки ютуқ чиққан лотерея билетини йўқотиб қўйган. Олимларни энг ажаблантирган нарса нима денг? Ҳеч қачон бошқа одамларга боғлиқ бўлмаган ҳолатда ҳам юқоридаги каби бахтсизликлар содир бўлган. Содир бўлганигна эмас, улар сони биз ўйлагандан анча кўп экан!

Аммо, айтадиларки, ҳеч бир инсон ноумид яшамайди. Ҳар бир инсоннинг келажакдан умиди бор.

Хўш, агарки, омадсизлик наслдан-наслга ўтадиган бир «касаллик» бўлса, унда ҳозирги айрим омадсизликка учраган инсонлар нима қилмоқлари керак? Бунинг йўли осон экан. Улар ҳаётга қарашларини тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилишлари ва унинг кўпроқ ёруғ томонларига эътиборни қаратишлари зарур экан.

Хулоса битта: агар сиз бутун умр омадсиз ўтмай десангиз, энг аввало ўзингиз ўзгаришингиз, атрофга, одамларга қарашингизни тубдан янгилашингиз зарур.

Ноумид шайтон, деб бежиз айтишмаган.

Наманган «Экстрактёг» ҳиссадорлик жамоа корхонаси шу корхона таъминотчиси Мирзакаримов Тоҳиржон номига 17-22 августда Тошкент вилоятидан эҳтиёт қисм олиш учун берилган 368, 369, 370, 371 рақамли ишонч қоғозлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 15 oktyabr, payshanba № 123 (23.360).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Болакайлар қувончи

Гулистонда Сирдарё вилоят қўғирчоқ театри иш бошлади. Болажонларга дастлабки томоша сифатида «Бўғирсоқ» спектакли намойиш қилинди. Театрга Республикада хизмат кўрсатган артист Адҳам Юсуфалиев раҳбарлик қилмоқда. Вилоят ҳокими фармойиши билан боғча тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчилари учун томошалар бепул қилинди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Гимназияда учрашув

Яқинда Дипломатия институти қошидаги ижтимоий-сиёсий йўналиш бўйича очилган гимназияда таниқли шоирлар Йўлдош Сулаймон, Турсун Али, Усмон Қўчқорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Шоирлар болаларга аталган шеърлардан ўқиб, ўқувчиларнинг саволларига жавоб бердилар. Учрашувда шеърият ихлосмандларидан Н. Йўлдошева, Д. Сайфуллаев каби ўқувчилар ўзларининг шеърларидан ўқиб бердилар. Кечада гимназия директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Р. Носиров гимназияда Чўлпон номидаги адабий тўгарак ташкил этилганлигини, адабиётга қизиққан ўқувчилар билан мунтазам иш олиб боришини маълум қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи муовини Й. Сулаймон ўзбек адибларининг сара китобларини гимназия кутубхонасига эсдалик тарзида тақдим қилди.

Малоҳат МИНГБОЕВА

Афандининг ҳарбий хизмати

(Романдан парча)

Талай кунгача биринчи бўсадан сарҳуш бўлиб юрди. Уни қўмсади. Такрорлашни истади. Лекин иккинчи бўсага ўтолмади — Санобар ўта эҳтиёткор бўлиб қолди. «Бўса нархини арзон қил» қабилидаги ҳар қандай қаттиқ кўнгилларни юмшатадиган шеърлари ҳам наф бермади. Фақат ўзига бир йиллик ҳарбий хизмат учун чақириқ қоғози келдию қиз дафъатан юмшади. Бўсалар бўсаларга, висол онлари висол онларига уланиб кетди. «Бир йил минг йил эмас, кўз очиб юмгунча ўтади» — Санобарни юпатди Носир.

Бир йиллик хизмат-ку, олдинда, лекин хайрлашув онлари ҳам, Туркистон ҳам кўз очиб юмгунча ортда қолди. Жами йигирма бир нафар олий маълумотли «йилчи», яъни, «годичник» ҳарбий хизматга йўл олдилар. Носир аввалига ҳали нотаниш сафардошларига қўшилмади. Учинчи кўтарма тахтага узала тушган куйи, хайрлашув чоғида Санобар қўлига тутқазган «эсдаликлар» (сурат, рўмолча, шеър)ни кўзларига суртиб-ўпар экан, ўзини оламдаги энг бахтиёр одам деб ҳис қилди. Атлас кўйлак кийган ҳолда бор бўйи билан суратга тушган Санобар — чинакам бахт куши! Оппоқ шоҳи рўмолчанинг бир учига нафис кашта қилиб тикилган уч қисқартма сўз («С+Н=М», яъни, «Санобар + Носир = муҳаббат»!) бу бахт қушининг бир қаноти! Сурат билан рўмолча ўралган оқ қоғоздаги олти сатрлик шеър эса, унинг иккинчи қаноти. Оқ шеър эмас, лекин ҳар қандай ошиқнинг уч юз олтмиш томиридаги қонини гупуртириб юбора олади!

Сақтаули тур савлем
берген ўрамал,
Бўлсин деген
жақсиликқа жўрамал.
Савлешимдинг сўл бир
сўзин сийлаймин,
Қўл кирини
суртувгада қиймаймин.
Соданба экен ақ
ўрамал тўзбайди,
Судирлайди, жан-,
жуйимди кўзғайди.

Оқ шеър бўлмасаям, оқ кўнгилдаги оқ ёмғирдек тиниқ ва ҳузурбахш туйғуларни бундан-да тиниқроқ ифодалаш мумкинми сира!

Поездда тўққиз кеча-тўққиз кундуз йўл юриб, Владивосток шаҳрига кириб боргунга қадар Носир бахтдан энтикиб, шу уч бебаҳо бисотини эъзозлаб-ардоқлаб кетди. Дераза ортидаги бири биридан ажойиб манзаралар — бепоён Сибирь ўрмонзорлари, Бойқўлнинг гўзал мавжлари, Энасойнинг сўлим қирғоқлари бу бахт қуши яйраб-қувнаб учаётган кенгликлар эди гўё! Табиийки, орзулари бу кенгликларга ҳам сиғмасди: бир йиллик ҳарбий хизмат бир кундек ўтади-кетади-да, у қанот боғлаб Туркистонга учади! Санобар билан бахтли бўладик, на Фарҳод билан Ширин, на Лайли билан Мажнун, на Кумуш билан Отабек улардек бахтиёр бўлган эмас...

Лекин орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан. Не-не ширин орзуларнинг қушандаси экан бу «аччиқ ҳаёт ҳақиқати» деганлари! Носир поезддан тушибоқ шунақанги аччиқ изғирин, қаҳратон совуққа юзма-юз келди-ки, бу ерда одамлар қандай яшаб, улкан бир шаҳарни қандай бунёд этганларига ҳайрон қоласан киши! Бахт куши эмас, жон қушини асраб-авайлаш пайига тушиб қоласан беихтиёр. Вокзалдан аллақандай ташландиқ клубга етиб боргунларига қадар кўп қатори Носирнинг ҳам бўлари бўлди. Бунинг устига, клуб иситилмас экан, тун бўйи мижжа қоқмай, титраб-қалтираб, муттасил юриб чиқдилар. Қолган-қутган ароқлару ёлғондакам ёқа олишишлар ҳам ичларини иситолмади. Бир ойлик ҳарбий тайёргарлик, гарчи қора совуқ ва аччиқ изғирин қадар жонингни кўзга кўрсатмаса-да, ҳар қалай, ундан қолишмайдиган азоб экан! Носир-ку, машаққат нелигини билмай ўсган эркатой эмас, ҳар қандай азобга чидаган, бунга ҳам чидайди, албатта. Лекин тонг-саҳардан то кеч қоронғусига қадар кафтдек майдончада муттасил «бир-икки», «бир-икки» дея уни бўйи ва энига кезавериш... жонига тегиб кетди. Наҳот ҳарбий хизмат деганлари шу «бир-икки»дангина иборат бўлса?! Учи қани бунинг учи?! Машаққатдан ёки соғинишдан эмас, зерикишдан ўлиб қолади-ку одам! На тарих институти, на музей, ҳатто кенг Туркистонга сиғмай қайнаб-тошиб юрганида... Кафтдек майдонга сиғиб яшайдими энди?! Устига-устак, тақсимотга кўра, «полк штабига писар», яъни, ўзбекча айтганда, «мирзо», қозоқча айтганда «ҳатчи» сифатида қолдирилганини эшитди-ю, тепа сочи тикка бўлди. Энди шуниси етмай турувди! Бир йилни торгина ҳужрада қамалиб, қоғозларга кўмилиб ўтказиш... йўқ, бунақаси кетмайди! Қўмондоннинг ҳузурига кириб, қатъий талаб қилди: «Олти йил — университетда, тўрт йил — тарих институтида роса писарлик қилганман! Илтимос, мени шундай бир бўлинмага юборингки, хизмат хизматдек бўлсин!..» қўмондон: «О, джигит, маладес, джигит!» дея алқаб, дарҳақиқат, шундай бир бўлинмага юбордики... Носир ўшандаёқ ўша «шайтоннинг шоҳидаги» бўлинмада ўлиб кетмаганига ҳали-ҳануз ажабланади. Одам боласининг, айниқса, афандининг бардоши, худо ҳаққи, чексиз экан! .. Япон денгизининг қирғоғидаги бепоён чакалакзор орасида шундай бир бўлинма бор эканки, унда наинки шўро ҳукумати қонунлари, ҳатто қулдорлик тузумининг қонунлари ҳам эмас, чинакам чакалакзорнинг вахшиёна қонунлари тўла тантана қилар экан! Атиги икки юз нафар аскарнинг чораги «дед», яъни, «оқсоқол», чораги «фазан», яъни, «учирма», чораги «помазок», яъни, «искирт», чораги «голубой», яъни «ғалча» экан! Тошкентдаги халқ хўжалиги институтини битириб, Туркистонга борган, ўзидан икки ёш кичик йигит — Собир билан у бўлса, нафақат «йилчи» ва ё «галча», айни чоғда «басмач» ҳам экан! Ўзингдан олти-етти ёш кичкина болакайларнинг калака-масхара эмас, очиқ-ошкор ҳақорат қилишларини кўриб-билиб турганингдан кейин, афанди эмас, босмачи эмас, қонга ташна жаллодга айланишни истаб қоласан киши! Бу қанақаси?! Ахир, у ҳеч кимнинг арпасини хом ўргани йўқ-ку! Айби — олий маълумоти, атиги бир йил хизмат қиладиган ўзбеклигими?! Аввалига ёппа талаган оқсоқоллар билан учирмаларга бўй бермади. «Барибир ёқам ёмонга йиртилган экан, сенларга босмачи қанақа бўлишини бир кўрсатай!» дея, мўйлов қўйиб, бошини устарада қирдирди. Сўраб-тергаганларга «Миллий урф-одат»ни рўкач қилди. Ҳайтовур, улар «Келганингда мўловинг йўқ эди, урф-одатингни энди эслаб қолдингми?» деб мўйловига тирғалмадилар. Оқсоқоллар билан учирмалар тил бириктириб қўршовга олишган эди, «Қани, мард бўлсанг, битта-битта, майли, иккита-иккита бўлиб майдонга чиқ!» деб яхшигина жиққамушт бўлди. Бурни қонагани сайин баттар қони қайнади. Собир ҳамюрти панапастқамда атрофга қараб, уни шаштидан қайтариш умидида шивирлади: «Қўйинг, ўжарлик қилманг, Носир ака, буларга худо бас келмаса бандаси бас келолмайди! Асли штабда писар бўлиб қолавермай афандилик қилибсиз! Аҳмоқ эмас экан! Ёппа ҳужумларда еган калтакларининг аччиқ аламини ана ўша тутқичдан оладиган бўлди. Туткуннинг тутун қайтаришларини тарқатадиган тутқични тутамлаб турибмиз!.. Ўзиям шундай аламини олдики, тез орада ракетани рисолада кўрсатилган бир дақиқа, ўн лаҳзада эмас, эллик беш лаҳзада учириш ускунасига ўтқазиб-қайтарадиган бўлди. Шу иш бердими, ё ўзи билан Собирдан бошқа гуруҳдаги яна икки рақам ҳам олий маълумотли бўлгани учунми, ишқилиб, ҳарбий хизматнинг ярмидан кўпини «намунавий гуруҳнинг биринчи рақами» сифатида Энасойдан то Эдилга қадар чўзилган бепоён ўрмонзорлар, Ёқутистону Ёйиқ тоғлари бўйлаб чўзилган беҳисоб синов майдонларида синовларни синовларга улаб ўтказди. Айлантирувчи, учирувчи, синовчигина эмас, синчи ҳам бўлди. Лекин, барибир ҳижроннинг аёвсиз синовига, айрилиқ даҳшатига чидаёлмади. Бўлинмада ўтган икки-уч ойдан кейин, Чита яқинидаги бир ойлик дастлабки синовни ҳам ўтказиб қайтса, водариғ, Санобардан тағин жавоб йўқ! Ҳар бир хатига албатта жавоб ёзишни ваъда қилган қиз... ўндан ортиқ хатларига ақалли биронта жавоб йўлламаса! Бу қанақаси?! Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, ўзи аллақачон турмушга чиқиб кетдими, ё хатлари етиб бормаяптими? Ака-укаларига етиб борган хат, музейга етиб борган хат, нега унга етиб бормайди?! Буёғи навбаҳор — оқсоқоллар «Озодлик»ка қайтиш тараддудида, учирмалар эса, улар ўрнини босишга шайланиб ўзлари билан ўзлари овора. Қоларверса, бирга қайтишларини ўйлабми, «биринчи рақам»лигидан ҳайиқибми, аввалгидай тиш қайрамай қўйганлар!.. Навбатдаги синовга қадарлик бирор ой ичида бўлинма кўзига тор кўриниб, юраги сиқилиб, ўзини қўйгани жой тополмади. Ахийри Тошкентга — тарих институтидаги дилтортар қадрдонларидан бири Зиёдуллага хат ёзди. Хатида Ҳамид Зиёевнинг сибирлик ва ўроллик ўзбеклар тарихи ҳақидаги янги китоби, умуман, тарихга оид янги китобларни жўнатишини ўтиниб сўради. Ўзини олти ой чўлда сув ичмай юрган туяга менгзади. Волгоград яқинидаги яна бир синовдан қайтиб кўрдики, ўзига аталган чақириқ қоғози уни кутиб ётибди. Чакалакзор оралаб тиккасига пойи-пиёда ўн беш чақиримча йўл юриб, ниҳоят почта бўлимидан «бебаҳо буюртма»ни қўлига олди. Сўраган китоблари, «Эл юзи» ойномасининг янги сонлари... Бир сидра варақлаб, орасидан хат топди. Лекин хат, ўзи кутганидек, Зиёдулладан эмас, Рўзвондан экан! Майли, Рўзвондан бўлса Рўзвондан-да, муҳими — хатда Носирни нимаики қизиқтирса, ҳаммаси жўнатилгани ва жўнатилмаганлиги айтилиб, тез-тез хат ёзиб туриши сўралган эди. Ҳатто хатнинг орасида Рўзвоннинг иягига қўлини тираб, шоирона хаёл суриб тушган сурати ҳам бор эди! Сурат кўзига иссиқ босилди. Уни чап қўйнидаги ён дафтарга — Санобарнинг суврати ёнига — солиб қўйди. Ўлмас Сулаймоновнинг «Азия»си билан Жавоҳарлал Нерунинг «Взгляд на всемирную историю»сини Ёқутистонда ўтган яна бир синовга ардоқлаб-кавказлаб ола кетди. Шу Ёқутистонда, буёғи — худудсиз Сибир ўрмонларию уёғи — бепоён Дашти қипчоқда, Туман вилоятию Урол тоғларида, анови тоғли Олтойда бир пайтлар буюк бир эл — туркийлар яшагани ростми экан?! Бу элнинг худуди қаердан бошланиб, қаерда тугаган, адади қанча бўлган? «Сибирь»нинг асли «Сувер», кейинчалик «Шумер» деб ва ё аксинча аталгани тўғрими экан? Агар тўғри бўлса, шу чексиз Сибирь ўрмонларидан қадимий Шумер маданиятининг қолдиқларини топиб бўларми экан? Қани ўша буюк Шумер маданиятини яратган эранлар?! Нега улардан ақалли бирон-бир ном-нишон, урвоқ, асар қолмади? Қай шум қолдирмади? Қай шум ер ютди? Бу қандай шумликки, жаҳон маданиятининг энг қадимий ва энг бебаҳо дурраи гавҳарларидан бири изсиз йўқолса! Бу қандай хўрликки, Жавоҳарлал Нерудек оддий бир Кашмир ўлкасидан чиққан, лекин Андижонга талпиниб етолмаган бир элшунос бутун жаҳон тарихига ялпи назар ташлаш имкониятига эга бўлса-ю, неча минг йиллар мобайнида жаҳон ва Ҳиндистон тарихида беқиёс зарварақлар очган буюк бир элнинг эранлари... ақалли ўз тарихига, ўзининг энг яқин тарихига, бор-йўғи бир асрлик тарихига ҳам ялпи назар ташламай, «Биз киммиз?» дея ўзгалардан сўраб ўтирса? Бу қандай хўрлик? Бу қандай хорлик? Бу қандай шумлик?

Раҳимбой ОТА ЎЛИ

«Юрмаганингга қўймайман» *Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат*

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Ўролова*

Исми *Майрам*

Отасининг исми

Қачон, қаерда туғилган *1896 йил (арпа пишиғида) Самарқанд вил. Иштихон (собиқ Митан) тум. Зарбанд қиш.*

Ҳозир қаерда яшайди *Ҳозир ҳам шу қишлоқда яшайди*

Узоқ умр кўришнинг сири *Доимий ҳаракат, меҳнат* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Фарзандларнинг пўпин-қобиллиги ота-она бахти* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Автокорхоналар раҳбарлари ва шахсий автомобиль эгалари диққатига!

«СОВУТГИЧ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чойланмаган аниқ нархда сотади.

Антифриз ва тормоз суюқлигини сифати ва ишончлилиги ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси, Обводная кўчаси, «Ранжин» ҳиссадорлик жамияти биносида.

Телефонлар:
131-21-41-53-46
47-03-06.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ 1998 ЙИЛ 20, 30 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 11.00 ДА РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдоларга:

1. Тошкент шаҳри, Сирғали-2 мавзесида жойлашган Ўзбекистон «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2 қаватли ошхона биноси, (13 корпус). Мазкур иншоот 1986 йилда қурилган. Умумий майдони 7238 м 2.

Бошланғич баҳоси 36 миллион 412 минг 792 сўм;

Шу билан биргаликда савдоларга «Ўзбекфильм» ҳиссадорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тиббий-санитария бўлимининг қуйидаги автомашиналари ҳам қўйилади:

1. «УАЗ-3303» русумли автомашина. Давлат рақами 18-71 ТНП, 1987 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 91,2 минг сўм.

2. «КАЗ—608 В-1» русумли автомашина. Давлат рақами 66-80 ТНЛ, 1985 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси 358,8 минг сўм.

3. «ЛЕК—452-77» русумли автомашина. Давлат рақами 14-14 ТНМ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич нархи 91,2 минг сўм.

4. «КС—2561» (автокран) русумли автомашина. Давлат рақами 82-57 ТНЛ, 1985 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси 294,9 минг сўм.

5. «ГКБ—8350» (автоприцеп) русумли автомашина. Давлат рақами 34-79 ТН, 1985 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси 110,5 минг сўм.

6. «ОДАЗ—885» (яримприцеп) русумли автомашина. Давлат рақами 06-98 ТН, 1985 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси 91,9 минг сўм.

7. «Москвич М-21401» русумли автомашина. Давлат рақами 06-49 ТНГ, 1988 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси 58 минг сўм.

Шу билан биргаликда Республика Кўчмас мулк биржасида ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари биржа савдолари ўтказилади.

Азизлар! Биржа савдоларига мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва Тошкент шаҳридаги Кўчмас мулклар: офис учун жойлар, ишлаб чиқариш жойлари, бинолар, квартиралар ва бошқа мулклар қўйилмоқда.

Мазкур мулкларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 136-15-28, 136-28-75.
ФАКС: 136-26-26.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.122 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА